

А Ж Р И М

(Вояга етмаганни ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида)

2021 йил март ойининг 31 куни, соат 17:55 да, жинойт ишлари бўйича, Тошкент вилояти Зангиота туман суди, ўз биносида, ёпиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи, судья: Х.Садиков, судья ёрдамчиси Ш.Назаровнинг котиблигида, томонлардан Зангиота туман прокурори ёрдамчиси Д.Ҳамдамова, Зангиота тумани, халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик органи ходими Ш.Носирова, Зангиота тумани ИИБ ХПБ ТП профилактика катта инспектор И.Норовнинг иштирокида, Зангиота туман ИИБ бошлиғи томонидан киритилган вояга етмаган Э.Х.Ёдгоровни Тошкент вилояти ИИБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномасини, тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ёдгоров Элдор Хусан ўғли – 01.06.2017 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, маълумоти тугалланмаган ўрта, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида истиқомат қилади.

Ўтказилган тезкор суриштирув ишлари давомида вояга етмаган 2013 йилда туғилган Э.Х.Ёдгоров уйдан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиб назоратсиз ва қаровсиз ҳолда Зангиота туман ҳудудида ота-онасининг қаровисиз юрганлиги 2021 йил 31 март куни Зангиота тумани ИИБ ходимлари томонидан аниқланган.

Зангиота туман ИИБ бошлиғи томонидан киритилган илтимосномада, вояга етмаган Э.Х.Ёдгоровни қаровсиз ҳолда юргани, қаровсиз ва назоратсиз қолиб кетганлигини инобатга олиб, унинг қаровсиз қолиб кетишини олдини олиш мақсадида Тошкент вилояти ИИБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш сўралган.

Суд, Зангиота туман прокурори ёрдамчиси Д.Ҳамдамова, ҳимоячи ҳамда Зангиота туман ИИБ ХПБ ТП бўлинмаси профилактика инспектори И.Норовнинг киритилган илтимосномани қаноатлантиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, вояга етмаган Э.Х.Ёдгоровни Тошкент вилояти ИИБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунга ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423-моддасига асосан, суд



А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Тошкент вилояти Зангиота туман ИИБ бошлиғининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Вояга етмаган Ёдгоров Элдор Хусан ўғли Тошкент вилояти ИИБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилсин.

Ажрим нусхаси маълумот учун туман прокурори, вояга етмаган Э.Х.Ёдгоров, Зангиота туман ИИБ ХПБ ТП бўлинмаси профилактика инспектори ҳамда Зангиота туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи масъул ходимига тақдим қилинсин.

Ажрим ижросини таъминлаш Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ажрим дарҳол ижрога қаратилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Х.Садиков

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

